


«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзбекгеофизика» АЖ
 Р.А.Юсупжонов
Бошқарув раиси
2022 йил «14 » октабрь

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ УЧУН
ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ**

«Ўзбекгеофизика» АЖ акцияларини бирламчи оммавий жойлаштирилишини
ташкил этиш учун андеррайтерларни танлаб олиш

Буюртмачи: “Ўзбекгеофизика” АЖ

Тошкент-2022

МАЗМУНИ

- I. Танлаш иштирокчиси учун кўрсатма
- II. Танлашнинг нарх қисми
- III. Танлашнинг техник қисми
- IV. Шартнома лойиҳаси

1	Умумий қоидалар	1.1 Ушбу харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан бўён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
2	Танлаш ташкилотчилари	1.2 Бошлангич нарх энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотда кўрсатилган. Таклифларда кўрсатилган нархлар бошлангич нархдан ошмаслиги керак.
3	Танлаш иштирокчилари	2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан бўён – Танлаш) буюртмачиси “Ўзбекгеофизика” АЖ (бундан бўён – Буюртмачи) ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Геофизика МФЙ, Буюк келажак кўчаси 5-ий. Буюртмачи реквизити: ИНН: 201 577 724, ОКЭД: 71120 Банк: АҚБ “Савдогар” МФО: 00439 Ҳисоб раками: 20210000400495026001 2.2 Буюртмачи билан боғланиш учун масъул шахс: СКМ ва Б бўлими бошлиғи Маҳмудов Ф.И. Тел: +99897 449-02-52, e-mail: taminot@uzbekgeofizika.uz тел:(71) 286-84-94 2.3 Ишчи орган “Ўзбекгеофизика” АЖнинг СКМ ва Б бўлими (бундан бўён – “Ишчи орган”) 2.4 Танлаш, камида беш кишидан иборат харид комиссияси томонидан амалга оширилади.
4	Танлашни ўтказиш тартиби	3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш ҳужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин. 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак. 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт. 4.2 Куйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:

5 Танлаш тили, ўлчов бирликлари

4.3

- зарур хужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19-22, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июня 2467-сон билан рўйхатдан ўtkазилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солик режимидағи молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор худудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган;
- харид қилиш хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака хужжатларини тақдим этган;
- таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш максадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф килса, берса ёки беришга розилик билдиrsa;
- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва хужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил

		ишилатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қиласи.
5.2		Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.
6	Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби	<p>6.1 Иштирокчилар таклифни маҳсус ахборот порталида (бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича электрон шаклда юборадилар.</p> <p>6.2 Танлаш иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тақдим этиладиган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир; - фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли; - тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгариши хукуқига эга. <p>Таклиф ва барча хужжатлар электрон шаклда МАПга тақдим этилади.</p>
6.3		Таклиф МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
6.4		Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак.
7	Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш	<p>7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.</p> <p>7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p>
8	Харид қилиш хужжатларига ўзгаришишлар киритиш	<p>8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш хужжатларига ўзгаришишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш хужжатларига ўзгаришишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгаришишга йўл қўйилмайди.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришишлар киритилади.</p>
9	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари	<p>9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.</p> <p>9.2 Харид комиссияси танлаш голибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш хужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.</p> <p>9.3 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган хужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини</p>

		танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир. Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш МАП эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.
	9.5	Таклиф амалдаги Конун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
	9.6	Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
	9.7	Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳакида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
	9.8	Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари маҳсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.
	9.9	Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
	9.11	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиши учун бошқа шартларни аниқлаш ҳукуқига эга.
	9.12	Хорижий ва маҳаллий Танлаш иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошлангич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқиласди.
10	Танлаш ғолибини аниқлаш	<p>10.1 Таклифларни кўриб чиқиши ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.</p> <p>10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътиrozлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида</p>

		шартнома тузилади.
		Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътиrozлар келиб тушганда, харид комиссияси эътиrozларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласди.
		Мухокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътиrozлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.
11	Томонларнинг жавобгарлиги ва маҳфийликка риоя қилиниши	10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш хуқуқига эга.
12	Бошқа шартлар	11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган махфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчilar, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган эксперtlар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклини ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.
13	Шартнома тузиши	11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
		11.3 Танлаш иштирокчilari томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.
		12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчisidan илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикрмуроҳазаларни сўрашга ҳақли.
		12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчilar, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш хуқуқига эга.
		12.3 Танлаш қуйидаги холларда харид комиссияси томонидан ўтказилмаган деб топилиши мумкин:
		- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;
		- агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
		12.4 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вактда танлашни бекор қилиш хуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қиласди.
		13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш хужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.
		Шу билан бирга, харид қилиш хужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси якуний эмас ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш хужжатларига зид бўлмаган, қонун хужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан

- келишилган ҳолда, ўзгаришишлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Буюртмачи ва Танлаш ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан **10** (үн) иш куни ичида шартнома тузишлари лозим. Томонлар келишувига кўра, танлаш шартларини бажариш ҳолатларини аниклаштириш учун муҳокама вақтида шартнома тузиш муддати ўзгариши мумкин.
- 13.3 Агар танлаш ғолиби танлаши шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуки захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
- 13.4 Голиб томонидан шартномани кечикириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

Танлашнинг техник қисми

Танлаш предметининг Техник қисми бўйича маълумотлар мазкур Танлаш хужжатларига илова қилинган Техник топшириқномада келтирилган.

Танлашнинг нарх қисми

Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар чегаравий нархдан ошмаслиги керак ва кейинчалик ўзгаририлиши мумкин эмас.

1	Ишнинг (хизматлар) чегараланган умумий қиймати	4 000 000 000 тўрт миллиард ҚҚС билан бирга
2	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари
3	Тўлов шартлари	Тўлов факт бўйича бажарилган ишлар далолатномасига мувофиқ амалга оширилади
4	Тўлов валютаси	UZS- Ўзбекистон Республикаси сўми